

ЖУМАК ВАКИЛАТИ

1995 йил
21 апрель
ЖУМА
№ 16 (5.640)
сотувда
эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий газетаси • 1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ПАХТАКОРНИНГ ОЛТИН КУНЛАРИ

КОСОН районидаги «Сурхон» жамоа хўжалигининг Яраш Бегимкулов бошлиқ бригадасида, «Бундай майдонларингиз купми?» деб сўрадим. «Жами 80 гектар», деди бригадир. «Айрим бригадалар ҳали экишни тугаллагани йўқ. Сиз эса ниҳолларни ундириб, культивацияни бошлаб юборибсиз. Тўғри, ўғит солмайсизлар», дея сўхбатни давом эттирдим.

— Дарвоқе, дастлабки культивацияни биз ўғит солмадан ўтказамиз, — жавоб қилди бригадир. — Яганалашдан кейин май ойининг иккинчи ўн кунлигида навбатдаги культивация пайти ўғит солаемиз. Бунинг боиси шундаки, йиллик ўғит меъёрининг учдан бир қисмини биз экиш пайти ёки экишдан олдин ишлатаемиз. Шунинг учун дастлабки культивация пайти тупроқни ўғитлашга ҳоҳат йўқ. Экиш пайти ёки экишдан олдин тупроққа ўғит солишга улгурмаган бригадаларда эса, сиз айтганингиздек, албатта, биринчи культивация пайти ўғит бериш жоиз. Чунки бизнинг гумусга тақчил тупроғимизда гузаларни барвақт озиклангирмасдан туриб юқори ҳосилга куз тикиб бўлмайди. Ҳатто, ҳосилдорлик 30 центнерга ҳам етмай қолади. Биз эса бу йил камида 36-37 центнердан ҳосил кўтармоқчимиз.

Бунинг учун кўп меҳнат қилинди. Кузда ер ҳайдалганидан кейин бутун майдонларга пушта тортилди. Кўк-ламда — мартнинг учинчи ўн кунлигида эгاتларга енгилгина сув юборилди. Тупроқ етилгач, пушталарни бузиб кўймаслик учун осма бороналар билан юмшатишди. Апрельнинг бошида экишга киришилди. 7-8 кун ўтгандан кейин гуза буй курсата бошлади.

Чигитнинг бундай тез ўғитиб чиқиши сабаби экиш пайти тупроқ ўғитланганидагина эмас, балки чигитни экишдан аввал Р. Кенжаев усулида тайёрлаганидадир. Бу усулнинг моҳияти шундаки, чигит 60 даражали иссиқ сувда 20 минут бўқтирилади. Натижада мағизи тўқ чигитлар идиш тубига чуқайди, пуч чигитлар эса юзага қалқайди. Шу тариқа унумли чигитлар ажратиш олинади. Баъзи пахта тозалаш заводлари кейинги йилларда чигитларни саралаш ишига етарлича эътибор бермаётганлигини ҳисобга олсак, бу тадбирнинг самараси янада яққол сезилади.

Пахтакорлар учун бу йилги кўклам олдингиларидан 10-15 кун илгари бошланди. Шунинг учун ҳам намликни қўлдан бериб кўймаслик учун унинг ёрдамида чигитларни бир текис ундириб олиш учун республикамиз миришкорлари экишни жадаллик билан олиб борилаётган. Андижон, Наманган, Тошкент, Фарғона ва Бухоро вилоятлари хўжаликларидида бу тадбир тугалланди ҳисоб. Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг аксарият хўжаликларидида эса, баҳор эрта келадими, кеч келадими бундан қатъий назар, экишдан аввал далалар сугорилиши, сунгра тупроқнинг етилишини кутиш керак. Бундай технология кўп йиллардан буён яхши самара бериб келмоқда. Бу йил ушбу вилоятларда экишдан олдинги сугориш учун оби ҳаёт вақтида етказиб берилди. Кўк-лам эса барвақтроқ кирди.

Қашқадарё вилояти ҳокимининг қишлоқ хўжалиги бўйича уринбосари Раим Раҳмонов биз билан сўхбатда экишдан мақсад шунчаки чигит қадас эмас, балки апрель охирига келиб бир текис ниҳол олиш эканлигини айтди. Дарвоқе, тупроқдаги нам ёрдамида ниҳолни ундирадиган хўжаликлардаги (бундай хўжаликлар эса вилоятда 30 фоизга яқин) экишнинг суръатини чигит қадасдан аввал албатта ерни сугориш зарур бўлган хўжаликлардаги экиш суръати билан таққослаш уринли эмас. Мана шу ҳолатни ҳисобга олмасдан баъзилар наҳотки деҳқонлар ер етилган тақдирда ҳам кўл қовуштириб ўтираверадилар, деб уйлашади. Амалда эса биз бу йил экишда олдинги йиллардагидан 5-6 кун илгаримиз. Қолаверса, жўжани кузда санашади. Қашқадарё вилояти кейинги йилларда оқ олтин етиштириш бўйича режаларни пешқадамлар сафидида удаллаб келмоқда. Уйлайманки, бу йил ҳам юзимиз ерга қараб қолмайди, — деди Раим Раҳмонов.

Р. НАЗАРОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг жамоатчи муҳбири.

КАСБИ туманидаги Сайидо Насафий жамоа-ширқати пахтакорлари чигит экишни қулай муддатларда ўтказиб, мавжуд майдонларда тўлиқ қўчатлар ҳосил қилишга муваффақ бўлишди. Хўжаликда биринчилардан бўлиб баракка уруги қадасган илгор пахтакор Бобоқул Хужаниёзов етакчилик қилаётган бригада даласида ниҳоллар аллақачон дурқун буй курсатди. Эрта баҳордан оқ текисланиб, чигит экишга ҳозирлаб қўйилган 60 гектар ерда яшил пайкаллар ҳосил қилинди. Йилнинг тўрт фаслида ҳам жамоанинг юқини ерда қўлдирмайдиган тажрибали меҳанизатор Иброҳим Хайитов бугунги кунда гузаларга ишлов беришни қизитиб юборди.

— Чигитнинг «108-Ф» нави эрталишар, мўл ҳосил беради, — дейди бригада сарқори И. Хайитов. — Биз жорий йилда ҳосилдорликни 35 центнерга етказмоқчимиз. Шу мақсадда астойдил тер тукаямиз.


Д. СУЛТОНОВ.



Жиззах туманидаги Ҳамроқул Носиров номли жамоа хўжалигида чигит экиш мавсуми сифатли ақунланмоқда. Бу иш айниқса Ҳасанбой Холматов бошлиқ бригада далаларида уюшқоқлик билан олиб борилаётган. Утган йили режани ортиги билан бажарган бригада миришкорлари амалдаги йилда 80 гектар майдонда деҳ-

қончилик қилишяпти. Ниятлари ҳар гектар ердан 30 центнердан оқ олтин хирмони тўқлаш.
Суратларда: 1. (Чапдан) жамоа хўжалиги раҳбари Холматов Тожибоев тракторчи Туроп Юсупов билан. 2. Сунгги гектарларга чигит экиш пайти.

Х. МИРЗАКАРИМОВ
олган суратлар.



Жорий йилда ҳар гектар майдондан режадаги 32,5 центнер ўрнига 34 центнердан пахта етиштириш ниятида меҳнат қилаётган Чортоқ тумани деҳқонлари Наманган вилоятида биринчи бўлиб баракка уруги қадасни ниҳосига етказдилар. Асосий майдонларга «С-6524» нави 60х30, 60х15 сантиметрли схемада жойлаштирилди. 1000 гектар майдонга чигит пуштага ташланди. Мавжуд техника воситалари, ишчи кучларидан самарали фойдаланиш эвазига бу юмуш бир ҳафтада адо этилди.

— Бизнинг шароити-мизда пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил олиш бирмунча мураккаб, — дейди туман ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Турсунали Пулатов. — Ерларимизнинг асосий қисми паст-баланд адир-ликлардан иборат бўлиб, кам ҳосилли, лалми, суго-

риш қийин. Утган йили туманимизда гектаридан 34 центнердан хирмон кўтарилиб, йиллик пахта тайёрлаш режаси 110 фоизга адо этилганди. Бошқа соҳалардаги натижалар ҳам дуруст бўлди. Салкам 130 миллион сўм пул даромади олинди. Соф-фойда эса салкам 30 мил-

ЖАДАЛ СУРЪАТДА

лион сўмга етди. Қишлоқ хўжалиги рентабеллиги даражаси 1993 йилга қараганда 17 фоизга кўтарилди. Дарҳақиқат, туман пахтакорлари ҳар бир кунни ганимат билиб, баҳорги юмушларни тез ва соз адо этишга, «Октябрь» жамоа хўжалиги аъзолари бу борада ибрат курсатишяпти. Утган йили вилоятда биринчи бўлиб афар маррасини еггаллаган хўжалик деҳқонлари ҳар

Фаслар келинчаги — кўклам меҳнат билан қуркам. Баҳорнинг ҳар дақиқасини ганимат билиб, экин-тикин ишларини эрта бошлаган боболдекон далалари яшил либосларга бурканмоқда.

Жорий йилда республикамиз вилоятларида чигит экишга барвақт киришди. Қишлоқ хўжалик вазирлигидан олдинги маълумотларга қараганда наманганликлар 95 минг, андижонликлар 110 минг гектар майдонга баракка уруги қадасган бўлса, Фарғона вилояти миришкорлари эзу ният билан 127 минг гектар ерга чигит экишди. Экиш ишлари 15 иш куниди сифатли адо этилди. Барча район хўжаликларидида чигит текис ўғитиб чиқилди. Энг муҳими уруғлик эрининг ўз намига ундириб олинди.

Айни паллада вилоятда ниҳоллар парвариши қизгин бормоқда. Бешариқ, Олтиариқ, Учқуриқ, Бағдол, Бувайда, Фурқат, Охунбобоев районларининг азамат деҳқонлари бу ишда қарвонбоши. Бешариқдаги «Раққон» ва «Ўзбекистон», Олтиариқдаги «Журак» ва А. Навоий номи, Бағдолдаги «Бағдол» ва «Туркистон», Бувайдалдаги «Янгиқурган», Риштондаги М. Келдиев номи жамоа хўжаликларидида заршунослари эса ниҳолларни биринчи культивациядан чиқаришди.

Фарғоналикларга елкадош андижонликлар ҳам чигит экишни 16 иш куниди якунлаб, кузда олинажак мўл ҳосил пойдеворини пушталашга киришдилар. Буз, Балқичи, Марҳамат, Избоскан, Асака районлари хўжаликларидида ниҳоллар биринчи ишловдан чиқарилиб, яганалашга тайёрларлик қўрилмоқда. Шунингдек, экиш мавсумини ўз муддатида тамомлаган Наманган вилояти миришкорлари ҳам қарвондан ортда қолмай келяпти. Барча майдонларда ниҳолларни беҳато ундириб олишга эришган Чортоқ ва Уйчи районлари заршунослари парвариш баҳсида биринчи. Уйчидаги А. Навоий номи, Чортоқдаги «Москва» жамоа хўжаликларидида эса бутун-эрта яғна бошлаб юборилди. Қолхоз маъмурияти аъзоларини махсус кийим-бош билан таъминлаган. Шийдонларга зарур шарт-шароит яратилган.

Тошкент вилоятининг Бекобод, Янгиёул ва Пискент районларида утган йили белгиланган режа бажарилмади. Бундан хўжаликлар иқтисоди зарар қурди. Аччиқ сабоқдан тўғри хўлоса чиқаришдан миришкорлар жорий йилда барча экин майдонларини кўкламга экиш ишларига барвақт тайёрлашди. Техника сифатли соллашиб, ишга тахт қилинди. Баҳорнинг илк кунлариданоқ заршунослар енг шимариб ишга киришди. Эрта қадасган уруғликни эрининг ўз намига ундириб олишга эришган деҳқонлар отни барвақт қамчилаб тўғри йўлга тутишди.

Оққўрғон, Урта ва Юқори Чирчиқ районлари миришкорлари майдонларини бегона ўт босишининг олдини олиб, эгاتларга бир вақтининг уюлида тербеил қўшиб ишлов беришмоқда. Бекобод районин заршунослари эса юқори ҳосил олиш мақсадида 11 минг 600 гектар майдонда чигитни пуштага экишди.

Бухоро вилоятининг қатор районларида ҳам об-ҳавонинг қулай шароитидан фойдаланиб эрта умид билан уруг қадасни қиска муддатда адо этишган хўжаликлар сони кўп. Бухоро туманидаги «Ўзбекистон», Қоракўл туманидаги «Зарафшон» жамоа хўжаликларидида ниҳоллар дастлабки ишловдан чиқарилиб, яганалаш ишлари бошлаб юборилди.

Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм вилоятларининг азамат деҳқонлари ҳам ялти чигит экишни якунлашмоқда. Дастлаб уруғлик қадасган майдонлардаги ўғитиб чиққан ниҳоллар кўкка буй чўзмоқда. Хўжаликларда барча агротехник қоидалар асосида дастлабки ишлов бериш бошлаб юборилган.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, бош тармоқда олиб борилаётган ишлар кўклам кенг. Барча вилоятларда бутун эътибор уруғликни эрта экиб, эрта ҳосил олишга қаратилган. Лекин чигит экишни тезлаштирмай, вақтни бой бераётган хўжаликлар ҳам йўқ эмас. Қоровулбозор районидида А. Ёқулновий, «Дустлик», «Гулистон», «Истиқлол» жамоа хўжаликларидида шу кунгача белгиланган режанинг бор йўти 5-10 фоизи миқдоридида чигит экилган, ҳоло.

Шунингдек, Нарпай районидида Исмоил шоир Назар ўғли, Ойбек номи, Пахтачи районидида «Наврўз», Охунбобоев, К. Кенжаев номи жамоа, ширқат хўжаликларидида ҳам аҳвол яхши эмас.

Мазкур жойларда шу кунгача режанинг атиги 15-20 фоизи миқдоридида чигит экилган. Шуманай, Қўнғирот, Қонлиқул районларида ҳам шу кунгача ерга бор-йўти 30-33 фоиз миқдоридида уруг тушган ҳоло.

Вақт кўтиб турмайди. Ҳозирги кунларнинг ҳар сонияси деҳқон учун олтинга тенг. Ундан унумли фойдаланмоқ керак. Уч-тўрт кун хўзур-ҳаловатдан кечган миришкорнинг кузда ошгани олчи. Юқоридида номлари экир қилинган хўжаликларда зарур чора-тадбирлар қўрилмасе имконият бой бериб хўжалик раҳбарлари кузда ер чизиб қўйишлари турган гап.

Раҳмонали АКБАРАЛИЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» муҳбири.

ҚҰЙЛАР ЯЙРАР ҚҰЗИ БИЛАН

Жиззах вилоятининг Зомин, Фориш, Баҳмал, Галлароқ каби тоғли туманлари қорвақчиликка ихтисослашган. Шу кунларда бегона яловларда 500 мингдан зиёд қўй-қўзи яйратиб боқилмоқда. Вилоят қоракўчилиги бу йил 250 минг она қўйдан қўзи олишни режалаштирган эди. Шу кунгача 180 мингдан зиёд қўй қўзилди. Зомин туманининг «Чорвалдор», Молгузар, Фориш туманининг «Богдон», Еримбетов номи ширқатлар бирлашмаларида бу юмуш уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Қишлоқ қўйларининг яхши парваришлангани қўзилатишда қўл келди. Ҳозиргача 80-85 фоиз қўй қўзилди.

— Қоракўчилисини янада ривожлантириш мақсадида тузилган қўзиларни устиришга қўлдиршга алоҳида аҳамият берилмиз, — дейди вилоят агросаноат уюшмаси қоракўчилик бўлими мутахассиси Б. Исоев. — Биз ҳозиргача қўзиларнинг 113 минг бошини устиришга қўлдирдик. Шундан 84 минг боши урғочи қўзилардир.

Вилоятда қўзилатиш мавсуми қизгин давом этмоқда. Яйловлар кун сайин қўзиларга тузиб бормоқда. Чўпон-қўзликлар меҳнатлари махсуслидан мамнун.

Қўзилатиш муваффақиятли якунлангач, баҳорги жун қирқимига киришилди. Бу йил 400 тонна даяғ жун тайёрлаш мўлжалланмоқда.

(ЎЗА).

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг Фармони
МШШАРИФХУЖАЕВНИ
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ

ХУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ВА
ИЖТИМОЙ ҚУРИЛИШ
АКАДЕМИЯСИНING
РЕКТОРИ ЭТИБ

ТАЙИНЛАШ ТУГРИСИДА

Мурот Шарифхужаевич Шарифхужаев Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Давлат ва ижтимоий қурилиш академиясининг ректори этиб тайинлансин ва шу муносабат билан у Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг урибосари — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитасининг раиси вазифаларидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президентини
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил, 19 апрель.

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг Фармони
С.Р.ИНОГОМОВНИ
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНING
САУДИЯ АРАБИСТОНИ
ПОДШОХЛИГИНИ
ФАВҚУЛОДДА ВА
МУХОТРОЛЧИСИ ЭТИБ

ТАЙИНЛАШ ТУГРИСИДА

Солиҳ Раҳимжонович Иноғомов Ўзбекистон Республикасининг Саудия Арабистони подшохлигидаги фавқулодда ва мухотролчи этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президентини
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 19 апрель.

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг қарори

1995 ЙИЛ 6 МАЙ
ШАНБА КУНИНИ
8 МАЙ
ДУШАНБАГА
КЎЧИРИШ
ТУГРИСИДА

Меҳнаткашларнинг дам олишлари учун қулай шароит яратиш ва иш вақтидан унумли фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилди:
1995 йил 6 май шанба дам олиш кунини дўшанба — 8 майга кўчирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 19 апрель.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

ҲОДИМАТЛАРИ

ЙИГИЛИШИ

Нукусда Қоракўл вилоятининг Республикаси қишлоқ хўжалиги ҳокимларининг йиғилиши бўлди. Унинг Қоракўл вилоятининг Республикаси Жўржи Кенесей Раиси У. Аширбеков сузга чиқиб, Орлобўйи хўлулида баҳорги ишларни жаллалаштириш бўйича долзарб вазифалар қадасга туқалди. Нотўқ баъзи туманларда экишга ҳозирлаб қўйиш ва уни об-ҳавога мослаштириш асосида равишда кеҳистиришлангани, техника, моддий ресурслардан фойдаланиш қониклари эмалитини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда экин-тикин ишларини қиска муддатда, сифатли ўтказиш лойиқ тадбирлар белгиланди.

А. ИСКАНДАРОВ,
ЎЗА муҳбири.



БУЛ ШУНДАЙМИ АЖИБ ДИЁРКИ,

Сурхондарёда умумхалқ референдуми натижалари бўйича энг юқори кўрсаткичлардан бирига эришилди. Бу кўпмиллатли воҳа халқининг ҳурматли Президентимизга бўлган меҳр-муҳаббати, юксак ишончи ва садоқатининг ифодасидир.

Куйида вилоят ҳокими Жўра НОРАЛИЕВ ана шу қувончли ҳолнинг омиллари хусусида фикр юритади.

Сиясий тадбир республика ҳукумати амалга ошираётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатни халқимиз қандай баҳолаётганини, омма кайфияти, орзу интилишлари ҳамда келажакка ишончини назардан ўтказиш имконини берди. Мамнуният билан эътироф этиш керак: сурхондарёликлар танлаб олинган йўлга солиқ эканликларини

зини етказиб бераяпти. Томорқалар оилалар бюджетини мустақамламоқда. Шурчиликлар жорий йилда томорқанинг узидан 3,150 тонна галла топширамиз, дейишмоқда.

— Ҳар қадамда қувончли ўзгаришлар кузга ташланади, — дейди жарқуронлик ишчи, украин фарзанди Леонелла Хлестунова. — Энг муҳими катта иноқ оилада яйраб

лазорларни 2 минг гектарга кенгайтирилди. Вилоят бўйича ҳам бу йил энг кўп галла ҳосили олинди. Буларнинг ҳаммаси истиқлол ва ислохотнинг дастлабки медалидир.

Термиз тумани чорвадорлари, хусусан қорақўлчилари узларига яратиб берилган имтиёزلардан бениҳоя хурсанд бўлишмоқда. Тул олиш мавсуми яхши борапти. Ниятлари ҳар юз совликдан 103 тадан соғлом қузи олиш. «Янгириқ» жамоа ҳужалиги чўпонлари Жалл Маматов, Ҳасан Нурпўлатовлар эса бу кўрсаткичнинг 110 тага етказишмоқчи. Адолат юзасидан айтганда туман ҳоқими Райимқул Чоршанбеи омиликорлик, ташаббускорлик кўрсатмоқда. Бу ерда бошқа соҳалар қатори пахтачилик яхши ривожланипти. Оқсаб қолган районда ўтган йил ҳар гектар ердан 30 центнердан хирмон кўтарилди. Пахтанинг узидан туман 30 миллион сумдан ортқ даромад қилди. Режадагидан ташқари 400 тонна тола термизликлар ихтиёрида қолди. Аксарият меҳнат жамоаларида соғлом, ижодий муҳит яратилганини, ҳамма бир екадан бош чиқариб ҳаракат қилганлиги қувончли ўзгаришларнинг асосий омил бўлмоқда.

Президентимиз барчамизнинг олдимишга Ўзбекистон суверен, демократик, ҳуқуқий давлат бўлади, деган аниқ мақсадни қатъий қўйганди. Мақсадга эришиш учун аввало тарихидан узилган, миллий қадриятлардан бироклашган халқимизга унинг узлигини, қандай буюк алломаларнинг вояси эканини аниқлаш, руҳини кўтариш, ўз қудратига ишонч бахш этиш ниҳоятда зарур эди. Мустақиллик йилларида амалга оширилган тенгсиз сўй-ҳаракат, машҳур беш тамойил тўғрисида ниятларимизга етмоқда. Референдумнинг ажойиб натижаси буни яна бир қарра исботлади!

Хур Ўзбекистонда ҳозирда 38 мингга яқин бошқирд бор. Биз ўз оғаларимиз, қадрдонларимиз бағрида яшаётганимизни ҳар қадамда ҳис қилаялмиш. Миллатимиз вакиллари қошонамизга йиғилиб, миллий анъаналаримизни тиклаш, маданий тадбирлар ўтказиш каби масалаларни ҳамжиҳатликда муҳокама қилади. Борий Арслонов, Рафаэл Шаропов, Баян Хайбулин, Нойила Нуридина каби улугларимиз бошқирд ёзувчилари, алломалари тўғрисида

ҚАДРДОНЛАР БАҒРИДА

зишда бош-қош бўлишмоқда. Шу заминда биронта бошқирднинг беркорга кўнгли ўқсиганини эслолмайман. Мамлакатнинг тенг ҳуқуқли фуқароси сифатида мустақилликни мустақамлаш ишига баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келаялмиш. Четдан келган меҳмонлар кўпича: ўзбекистонликларнинг бахти бор, чунки мамлакатга Ислам Каримовдек одил, кучли салоҳиятли раҳбар Президентлик

Марат ГАЙСИН, Заки Валидий номидаги республика бошқирд маданияти маркази раиси

қилмоқда» дея таъкидлашди. Чиндан ҳам тўғри. Бу муҳтарам зот ўз халқини қийинчиликлардан, турли қўрғиликлардан омон-эсон олиб ўтишга эришмоқда. Талабчан, халқпарвар, ўрни келганда қаттиққўл Президент сийқатини энди жуда кўпчи-

лик хорижий мамлакатларнинг раҳбарлари тан олиб маъқуллашмоқда. Тожикистонлик М. Атласов «Озодлик» радиостанцияси орқали эшиттирилган мактубида: «Агар бизда ҳам ...шижоаткор раҳбар бўлганда эди, бу ноҳушликлар рўй бермасди» дея афсус билан таъкидлаганида юз қарра ҳақ эди.

Яна бир нарсага тан бераман: тенг ҳуқуқли, ўзаро

манфаатли ҳамкорлик учун Ўзбекистоннинг эшиги очилгани алоҳида эътироф этилмоқда. Энг мураккаб шароитда ҳам шу кўтлуг мамлакат, унинг фахри бўлмиш Президент хоридан ёрдамга қарз сурамади. Халқ ўз юртбошисига, юртбоши эса халқига суянди. Фидойий меҳнат, оқилона раҳбарлик, тинч-тотувлик тўғрисида Ўзбекистон қад ростлади, уни жумлаи жаҳон тан олди. Ана шу буюк ишларда биз — ўзбекистонлик бошқирдларнинг ҳам ҳиссаси борлигидан фахрланамиз.

ЧЕКСИЗ САДОҚАТ НАМУНАСИ

амалий фаолият орқали намоён этиб келмоқдалар. Улар ҳукумати раҳбарлари қийинчиликларини илҳом борида тезроқ бартараф этиш, халқимиз яхши яшаш учун ҳеч нарсаи аямаётганликларини қалбдан ҳис этмоқдалар. Ўзбек, тожик, қозоқ, қирғиз, украин бошқирд қўйинги барча миллат вакили ўзаро ҳамжиҳатликни, меҳру оқибатни янада мустақамлаш, зарбдорчасига меҳнат қилмоқда. Иқтисодий ислохот мевалари тобора аққопроқ кузга ташланмоқда. Масалан, Шурчи туманида 80 дан ортқ кичик корхоналар фаолият юритмоқда. Югославия, Қозоғистон, Туркия, Италия, Тожикистон каби мамлакатлар билан ҳамкорликда бунёд этилган ва этилаётган қўшма корхоналардан умидимиз катта.

Районда чорва йўналишида фаолият юритаётган 154 фермер жамаи этиштирилган гушт ва сутнинг 50 фойи-яшаймиш, бир бурда нонимизни, бир ҳўпал ошимизни тинч-хотиржам ичашимиз. Эртанги кунимиздан, болаларимиз тақдирини кўнглимиз хотиржам. Шунинг учун референдумда ўз ҳурматимизни баён этиб, яқдил овоз бердик. Жарқуронда ҳам ўзгаришлар чакимас. Сўнги йилларда 50 километр узунликда газ қувурлари етқизилди. Тўхта Шобуров номи, Алишер Навоий номи, Норали Боймуродов номи, Ҳамид Олимжон номи жамоа ҳужалиқларида қишлоқлар юз фойз газлаштирилди. Президент фармонлари шарофати билан байналмилалчи жангчилар, Чернобил ишгирокчилари, ердама муҳтож кишилар мустақам ижтимоий ҳимояга олинган. Албатта ҳали маданий-маиший, савдо ҳамда тиббий кизматни кўтишган даражага етказиш учун кўп иш қилишимиз керак. Жарқуронликлар жорий йилда 1994 йилга нисбатан гал-

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам КАРИМОВ:

Шу заминда яшаётган ҳар бир инсон — миллати, дини ва эътиқодидан қатъий назар — Ватанимиз фарзандидир. Бизнинг куч-қудратимиз — яқдил эканимизда.

Ўзаро дўстлик ва тотувлик барқарор булар экан, юртимизнинг ёруғ кунлари ва фаровонлиги шундай тез келажақ.

Мовий осмонни безаб, камалак жило қилганида қалбингиз гузал ҳисларга тўлади. Ҳужалигимиз инсонларини ана шу камалакка қиёс этаман. Гагауз фарзанди Дусия опа Севросовани олайлик. Ўзбекчани сув қилиб юборган. Тўю тантаналарда у иш бошилар қаторида, Ўзбекистонда, ажойиб инсонлар орасида яшаётганлигимдан бахтиёрман, деди опа. Ёшлигимда шу азиз заминга, бағри кенг, дилкаш инсонларига меҳр кўйдим. Улар ёрдамида ҳаётда ўз урнини, бахтимни топдим.

Бундай илқ гапларни Николай Пак, Мамат Омонов, Сергей Болшашапов, Каримберди Таласбоевлар ҳам айтишлари мумкин. Боиси улар ҳалол меҳнат тўғрисида катта обрў-эътибор қозонишди, эл эъзозига сазовор бўлишди. Аннаберди Аллануров туркман фарзанди. У биринчилардан бўлиб фермерлик ҳаракатини бошлади. Қарамоғидаги 30 бешта тамойилли жашон тан олди. Ҳатто бир

тонна гушт топширишга эришмоқда. Ҳужалигимизда барча соҳа бирдек ривожланмоқда. Заршуносларимиз утган йили ҳосилдорликни 30 центнерга етказиб, йиллик режани зийваси билан адо

ЭЛ КОРИГА ЯРАЙЛИК

Лакис АЙДИКОНИС, Оққўрғон туманидаги «Оққўрғон» ширкатлар бирлашмаси ишчиси

этидилар. Ҳозирги кунда аксарият бригадаларда чигит экиш қизғин бормоқда. Кичик корхоналар, ўнга яқин цехлар иқтисодийни юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда. Бир нарса кишини қувонтиради: Президентимиз танлаган йўлни, машҳур бешта тамойилли жашон тан олди. Ҳатто бир

вақтлар адашганлар ҳам тўғри йўлга тушиб кетишди. Беларус республикаси Президенти А. Лукашенко мамлакатимизга ташири чоғида «Биз ўз мамлакатимизда ислохотларни ўтказишда Ўзбекистон тажрибасига таянамиз» дегани катта эътироф нишонасидир.

Адолатли, ҳар бир инсон ҳур ва озод яшайдиган жамяат инсониятнинг азалий орзуси. Ўзбекистонда демократик, ҳуқуқий давлат қуриш йўлида буюк ишлар амалга оширилмоқда. Ҳурматли Президентимиз «Шу азиз Ватан барчамизники, унинг бахт-саодати, ёруғ истиқбол, фаровон келажаги учун яшаш, курашиш, келрак бўлса, жонни фидо қилиш шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон учун бахтдур», дея алоҳида таъкидлаб ўтган эдилар. Бағоят тўғри, Ўзбекистоннинг бағри кенг, унга барчамиз сиғамиз. Ҳаммамизга юмуш топилди. Фақат ҳеч қимни ватан қарага яраш бахтидан бенасиб этмасин!

ТИНЧЛИК — КАТТА БОЙЛИК

Полина ОРЕПКИНА, Хонка дон маҳсулотлари комбинати ишчиси

Қадрдон комбинатимизда 600 киши ишлайди. Ҳар куни узимга таниш кучаларни одимлаб ишга келарканман ишчиларга назар ташлайман. Улар бағри кенг, ўз касбини бор имкони билан улуглаётган фидойилардир. Турли миллат вакиллари бир оила аъзоларидек қадрдолашиб кетганмиш. Мақсуд Зарипов, Нойил Сайфуллин, Отабек Нивезов, Нурмамат Оллаевров, Марат Ҳусанов кабилар комбинат фахри. Барчамиз ҳамжиҳат ишлаб халқимизга қўллаб ун ва бошқа неъматлар етказиб бераялмиш. Бидада кунига 500 тонна бугдой ун қилинади, 6-7 тонна макарон ишлаб чиқарилади. Эливаторларимизга ҳамма хавас қилади. Моддий манфаатдорликни яхшилаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида қатор янги цехлар ишга туширилди. Хусусан кўрпа-тўшак цехи ишчилари ибратли фаолият юритишармиш. Кунига 8 минг қопни таъмирлаб берадиган цех ҳам яхшигина даромад келтиряпти.

Ҳамжиҳатлик, меҳру оқибат бор жойда иш олдига босади. Ойлик маошимиз ўрта ҳисобда минг сумни ташкил этапти. Иккита болалар боғчасида фарзандларимиз тарбияланмоқда. Раҳбарлар ва мутахассисларнинг жонбозлиги тўғрисида ажойиб коттежлар, турар жой бинолари қурилиб ишга туширилди. Ҳовли тўғрисида утказганимизда одамларнинг қувончини курсангиз эди. Рус, татар, украин, бошқирд ва бошқа миллат кишилари барча гамхўрликлар учун ҳукумати-миз раҳбарларига чин дилдан раҳматлар айтишмоқда. Адолат юзасидан эътироф этаман: юртбошимиз фаолиятининг, барча ҳаракатларининг туб моҳияти юртимиздаги ҳар бир фуқароннинг яхши яшаш, эмин-эркин ишлаши учун шароит яратишга қаратилмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистонда баъзи собиқ иттифоқ республикаларидагидан фарқли уларок дини, тили, эътиқоди, миллатидан қатъий назар барча-барчага тенг ҳуқуқ берилиб, Конституцияси орқали қафолатланган.

Баъзида зангори экран орқали турли давлатларда бўлаётган вотивчиликларни кўриб шу жаннатмакон юртда яшаётганлигимдан қувониб кетаман. Мустақиллик йилларида катта ўзгаришлар рўй берди. Энг муҳими тинч-хотиржам ҳаёт кечираялмиш. Бунинг аҳамиятини суз билан таърифлаш қийин!



БИЗНИНГ АЛМАНБЕТ ОҒА

С. ДАРМЕНОВ, чўпон, Конимех тумани

Конимехда қозоқ миллатига мансуб жуда кўп кишилар яшади. Алманбет оға Унбетбоев шуларнинг бири. У чўпонлар сардори, ташаббусдор чорвадор, моҳир мураббийдир. Й. Қувондиқов, С. Элмуродов, И. Ортиқбоев каби соҳа жонқуярлари билан қорақўлчиликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Унинг тажрибалари кенг омаллашиб борапти. Шогирдлари Навоий вилоятининг аксарият ҳужалиқларида топилди.

Шу уринда Нуротадаги «Ҳозгон» жамоа ҳужалиги хусусида тўхталмоқчиман. Боиси, конимехлик тадбиркорларнинг бу ҳужаликка катта меҳнати синган. Айни кунларда ҳужаликнинг кенг йилловларида 30 минг бош қорақўл қўйилари яратиб боқилапти. Шундан 20 минг совлик, тул олиш муваффақиятли кетмоқда. Ҳозгонликлар утган йили ҳар юз совликдан 104 тадан дуркун қу-

стларим мададига суянган ҳолда ҳар юз совликдан 108 тадан қузи олишга аҳд қилганман. 59 минг гектарга чўзилган йилловларимизда ут-улан сероб, Аросой, Ашуробод, Олчин, Енбош йилловлари айниқса сурув боқиш учун қўлай. Бу ерда шифобахш гиёҳлар жуда кўп.

Ҳужалиқда 7 минг аҳоли истиқомат қилади. Уруш ва меҳнат фахрийлари алоҳида гамхўрлик билан қўршаб олинган. Сўнги йилларда хонадонларга керакли миқдорда галла, аҳоли чорваси учун ем-ҳашак ажратиш йўлга қўйилди. 53 нафар ногиронга ун, гушт бепул берилаяпти. Ёшларни ишлаб чиқаришга кенг жалб қилиш мақсадида қатор цехлар қурилди. «Мармар» корхонасининг доверуги кенг йилган. Хуллас: «Ҳозгон» жамоа ҳужалиги дўстлик куч-қудратини намоён этиб, йил сайин ривожланмоқда.

Қуёнчак дил нидоси: КўРНАМАКЛАР

Ўрозбой САФАРХОНОВ, фермер, Сирдарё вилояти

Оила аъзоларим билан биринчилар қатори фермерлар сафига қўшилдим. Мол парваришлаб кам бўлмадик. Ҳар йили истеъмолчиларга 10 тоннадан ошириб сут, 2 тонна атрофида гушт етказиб бераялмиш. Фермер бўлган киши асло кам бўлмайди. Икки йилда овламин иқтисодий жиҳатдан ўзини тутиб олди. Фарзандлар меҳнатсевар, одамоҳуи бўлиб воғга етишдилар.

Бизга ухшаб меҳнатдан барака топаётганлар оз эмас. Бахтга қарши шу жаннатмакон улқада воғга етган, ҳозирда эса ўзга юртлардан макон топган баъзи кимсаларнинг номақбул ишлари кишини ўйлантириб қўяди. Қуни кеча телевизор орқали ҳаммамиз кўрдик: уларнинг вакиллари ёш йигитларимизни тўғри йўлдан уриб, ўзимизга, ҳур Ўзбекистонимизга қарши қўйишмоқчи бўлишди. Ўзини «миллат жонқуяри» қилиб қўрсатишга уринаётган кимсалар мамлакатимиздаги ҳаётни ёлғон-яшиққа, бўҳтонларга ўраб-чирмаб кўрсатмоқдалар. Бироқ уларнинг чиранишлари бефойда. Сабаби халқимиз энди кимнинг ким эканини яхши ажратиб олди. Ёш йигитларимиз қора ниятли кишиларнинг тузоғига илганликлар барчамизни ҳушёр тортириши керак. Барчамиз қўли қўлга бериб, мана шу осуда ҳаётимизни кўз қорачигидек асрайлик!

Мамлакатимиз тарихида янги давр бошланди. Ҳукумати-миз шу заминда яшаётган барча миллат вакиллари ўз қобилияти ва эҳтиёжларини тула намоён қилишлари ва амалга оширишлари учун зарур бўлган тенг имкониятларни, шу жараёни вужудга келтирадиган ҳуқуқий механизмни яратиб бериш учун барча имкониятни ишга солмоқда. Ўзбекистонда фуқаролик жамятини қўришга киришилган. Мамлакат Олий Мажлисининг биринчи сессиясида таъкидланганидек, бу давлатчилигимиз ривожлана борган сари бошқарувнинг турли хил вазиқаларини бевосита халққа топшириш, яъни ўзини ўзи бошқариш органларини янада ривожлантириш демакдир. Бу каби қувончли ўзгаришларни, истиқлолнинг шахдам одимларини қўралаётганлар жазавага тушишмоқда. Улар ниманки қилишмасин барибир бир оила аъзоларидек ҳамқору ҳамжиҳат яшаётган халқимиз бирлигига, осойишта қувларимизга ўз таъсирларини ўтказишолмайди.

Урта Чирчиқ туманидаги Муқимий маҳалласида жуда кўп байналмилал оилалар истиқомат қилинади. Бироқ ажойиб инсон Димитрий Когай хонадонни тўғрисида алоҳида ҳурмат билан гапиринишди. Боиси хонадон соҳибни қасрига, ким бўлиб ишлаганини фидойиллик, ташаббускорлик кўрсатди. Ҳозирда ҳам қишлоқ ишларини меҳнатсевар, ватанпарвар кишилар қилиб тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Д. Когай ўзини энг бахтли инсонлардан бири деб билади. Боиси ҳалол меҳнат тўғрисида эл-юрт уртасида катта обрў-эътибор қозонди, шу заминини қарақан севди, ҳаммаша эъзуликка интилиди. Тақдир уни ўзи каби оқ кўтлук, оилапарвар рус фарзанди Людмила Ивановна билан юзлаштирди. Мана 45 йилдирки, улар бахтли ҳаёт кечириб келишмоқда. Қўтлук хонадонда икки ўғил, бир қиз воғга етди. Қизлари Лариса шифокор, ўғиллари Виктор ҳамда Олег эса техника ихлосмандларидир. Набиралар ҳовлини тўғри қалбларга қувонч бағишлашганда айниқса оила бошиқларининг бошилар осмонга етди.

СУРАТДА: Димитрий Когай ва Людмила опа набиралари даврасида.

КАМҲАРА ЭРКИН, ҲАМЖОР, БАҲТИЁР!



Биз - уруш иштирокчилари учун дустлик, тинчлик-хотиржамлик. Ватанга салоқат каби сатрлар бағоят қадридлир. Бойси ҳаёт-мамонт жанглири кетаётган ўша оғир кунларда турли миллат вакиллари бир-биримизга суяндик. Битта мағзи бўлиб едик. Шиддатли жанглардан кейин сафимиз камайганида бир-биримизга қанчалик урганиб қолганимизни ҳис қилдик.

Бир воқеа сира едимдан чиқмайди. Галдаги ҳужумга тайёргарлик қурилди. Калининда бир гуруҳ жангчилар хорлик чиқаришди. Улар орасида рус, узбек, грузин, озарбайжон, тожик ва бошқа миллат йигитлари бор эди. Украин аскарлари зур бериб қадрон қишлоғини мақтаса, узбектонлик шоввоз серкуёшнинг бағри кенг кишилари, ширин-шарбат меваларининг таърифини келтирдилар.

ЖАНТОҲЛАРДА ТОВЛАНГАН ДУСТЛИК

П. БЕЛКОТА,
Фарғона шаҳрида яшовчи уруш ва меҳнат фахрийси

тирдилар. Шу тобда командирнинг «ҳужум!» деган буйруғи янгради. Еру кукларга келди. Ҳар қарич ерни катта талафотлар эвазига қулга киритардик. Фашистлар муҳим стратегик аҳамиятга эга булган тепаликни сақлаб қолиш учун жон-жаҳдлари билан қаршилик кўрсатдилар. Бирок кечта бориб жасур жангчиларимиз тепаликни ишғол қилишди. Уша беомон олушувларда йигирмага яқин қадрон дустимлар айрилдим. Қадронлардан жуло бўлиш қанчалик қийинлигини вақт ўтган сари чуқурроқ ҳис қилардим.

Уруш узил-кесил галабамиз билан тугади. Тақдир тақозоси билан Ўзбекистонда яшаш насиб этди. Узок йиллар яхши ҳаёт кечирдим. Ҳозирги кунда виллоятнинг энг баобру кишилари, уруш қатнашчилари, табаррук инсонлар билан мақтабларда, меҳнат жамоаларида тез-тез бўлиб, жангчиларимизнинг уруш йилларидаги қаҳармонликлари хусусида ҳикоя қилмоқдамиз. Айни пайтда ешларни Ватанимиз севинишга, унинг азиз туғроғини кузга суртиб яшашга даъват этилди.

Фахрийлар ҳукуматимизнинг инсонпарварлик сиеватини яқдил маъқулламоқдалар. мустақилликни мустаҳкамлаш учун бутун таърихиямизни ишга солашди. Алар инсоннинг аниқ мақсади, қалбида тулиб-тошган азгу ниятлари бўлмаса ҳаёт унинг учун эрикарди машғулота айланади. Ҳар бир киши нима учун яшапти, меҳнати, куйиб ёнишдан муддаси нима эканини теран ҳис этганина ҳаракатида собитлик, умрида маъно зоҳир бўлади. Менимча ҳозир ҳар бир инсон: «Уш, мен мустақилликни мустаҳкамлашга қандай ҳисса қўшайман?» деган саволини ўзи-ўзи тез-тез бериб, фаолиятини кун сайин жонлантриб бориш керак.

ЭЪТИРОФ ГФР Федерал Президенти Роман Герцог:

Қўпмиллатли давлатдаги ички барқарорлик қўлаб-қўллаб миллат вакиллари ягона умумий хонадонда тенгҳуқуқли фуқаролар сифатида истиқомат қилишини ҳам уз ичига олади. Биз Ўзбекистон бу йўлда ҳам XV асрда яшаб ўтган, қизиқиш ва манфаатлари бир минтақа еки бир халқ билан четараланиб қолмаган, уз асарларини ҳам узбек, ҳам форс тилида ёзган буюк узбек мутафаккири Алшар Навоийдан руҳланиб, турли миллатлар уртасидаги муносабатларда уйғунликка эришиш йўлидан бораётганлигидан ниҳоятда қувонмоқдамиз.

Индонезия Республикаси Президенти Сухарто:

Бу гал мен уз истиқлолийн қўлга киритган Ўзбекистонга келдим. Утган қисқа муддат ичида қанчалар буюк узаришларни амалга оширганингизга гувоҳ бўлиб турибман. Мен Ўзбекистоннинг истиқболига... ишонман.

Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко:

Биз уз мамлакатимизда ислохотларни ўтказишда Ўзбекистон тажрибасига таянашимиз.



МЕН НЕЧУН СЕВАМАН ЎЗБЕКИСТОННИ

Аҳмед ЯМАЕВ,
Жаркўрғон қурилиш-монтаж бошқармаси
экскаваторчиси

Шуро замонида мулк бир вақтнинг узида ҳамма-ники, аслида эса ҳеч кимники эмасди. Шу боис исрофгарчилик, ўзи-буларчилик кучли эди. Ахир мулк эгасини топмагач, беҳуда сарфлар куп бўлади.

Мана, мустақиллик туфайли замон ўзгарди. Мулк эгасини топди. Тадбиркорлар кенг қўллаб-қувватланди. Аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш, унинг моддий таъминоти масаласига жиддий аҳамият берилмоқда. Яна шуниси эътиборлики, иттифоқ парчаланиб, бағоят қийин ҳолат юзага келганида одамларга томорқа ажратиб берилди.

Аҳолини энг зарур озиқ-овқат ва санаот маҳсулотлари билан меъерлаб бўлса-да узлуксиз таъминлаш чоралари кўрилди. Етим-есирлар, боқувчисиз оилалар алоҳида ижтимоий Ҳимояга олинди. Бозор қийинчиликлари бирин-кетин енгил утилмоқда. Шунинг учун фидокор халқимиз таъминоти масаласига жиддий аҳамият берилмоқда. Яна шуниси эътиборлики, иттифоқ парчаланиб, бағоят қийин ҳолат юзага келганида одамларга томорқа ажратиб берилди.

Мамлакатимизда ислохотларни ўтказишда Ўзбекистон тажрибасига таянашимиз.

Татар фарзанди Тухтар Нурғалиев оловли йилларда фашист босқинчиларининг долини бериб, мардлик, қаҳармонлик намуналарини кўрсатган табаррук инсонлардан бири. Бахти бор экан, улимларни доғда қолдириб, қадронлари бағрига омон экан қайтди. Ҳозирги кунда Туйтепа шаҳрида унинг номи алоҳида ҳурмат билан тилга олинади. Бойси Тухтар ога дустларни (суратда) Илья Гаранин, Холима Масадикова, Нуриддин Раҳмонов каби фахрийлар билан хайрли ишларга бош-қош бўлмоқда. Буюк Галабанинг 50 йиллиги арафасида табаррук инсонлар меҳнат жамоаларида, илм масканларида тез-тез бўлиб, оловли йиллар хотиралари, жасур аскарларимиз жасорати ҳақида ҳикоя қилмоқдалар. Хаяжонли учрашувлар қишлоқ ешларини она заминга муҳаббат руҳида тарбиялашда муҳим омил бўлмоқда.

СУРАТДА: уруш ва меҳнат фахрийлари боғда. Нўмон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

ЎЗБЕКНИНГ УКРАИН КЕЛИНИ

Зайниш ЖУРАЕВА,
Шофиркон туманида истиқомат қилувчи
меҳнат фахрийси

Ламнати уруш одамот бошига не-не кулфатларини солмади. Хусусан, мени купгина қадронларимдан жуло қилди. Уша оғир кунларда Ўзбекистонга эвакуация қилиндик. Бир оғир ширин сўз нондек арзанда эди ўшанда. Маҳдлий аҳоли бизни уз фарзандларидек қабул қилди. Қишлоқнинг энг табаррук кишиларидан бири Жура бобо уйда тарбияландим. Ешим улғайган сари узбек миллатига маъсуб кишиларнинг фазилатлари, одамхунлиги, меҳмондустлиги мени ром эта бошлади. Жура бобо бошқалардан кура купроқ менга эътибор қилар, бирор

тансиқроқ нарса топгудек бўлса украин қизимга, дея илинардим.

Азиз гушада уз уймидек ҳаёт кечирдим. Уруш тугагач, ҳаёт бирин-кетин изга туша бошлади. Онда аъзоларимиз билан деҳқончилик қилдик. Йиллар ўтди. Уқиб, олий маълумотли бўлдим. Дастлаб урта мактабда ўқитувчилик қилдим, сунг Саъдулла Назаров номли мактабга директор этиб тайинландим. Ишончи оқлаш учун узимни аямая меҳнат қилишга ҳаракат қилдим.

Бахтинми қарантки, акаларим топилди. Улар мени йўқлаб Украинадан Ўзбекистонга қучоқ очиб келдилар. Уша ҳаяжончи онларни сўз билан таърифлашга оқизман. Файзли қишлоғимизда тўй бўлиб

кетди. Житарларим мени Украинага олиб кетиш ниятида эканликларини айтишди. Шунда бутун вужудим билан Ўзбекистон заминига, дилкаш, меҳрибон одамларга қанчалик суяниб қолганимизни ҳис қилдим. Қолаверса, қадрон оилам, фарзандларимни ташлаб кетишининг сира иложи йўқ эди. Акаларим мени тўғри тушунишди. Ҳозирги кунда улар билан борди-қелди қиламиз.

Ҳар гал серкуёш заминда битган ширин-шарбат мевалар, анвойи гуллардан олиб Украинадаги қишлоғимга борганимда барча хайратландам. Чунки неъматларнинг шираси узгача. Айни пайтда қарилк гаштини суяраман. Фарзандларим атрофимда парвона. Ҳамқишлоқлар узбекнинг украин келини, дея таърифлашганда узимда йўқ хурсанд бўлман. Зеро, мени шу аjoyиб заминда муқим яшаб қолишга сабабчи бўлган нарса унинг бебаҳо одамлари, меҳру оқибатидир!

ХОРИЖ БЕКОРГА ТАН БЕРМАЙДИ

Мамлакатимизга чет эллик меҳмонларнинг келиши купаймоқда. Равшаник, давлат арбоблари, йирик сармоядорлар, ишбилармонлар, банк ходимлари Ўзбекистонга тан бериб, хур республика билан бекорга қизиқишаётгани йўқ. Улар анвойи инсонлар эмас. Жаҳонни кезиб пишиб кетишган. Хорижликларни мамлакатимизга аввало бу ердаги сивий барқарорлик, ижтимоий осойишталик, чет эл сармоясини Ҳимоя қилишининг кафолатланганидир. Қолаверса, купмиллатли кишилар уртасидаги ҳамкор ҳамжиҳатлик, халқимизнинг тантилиги, кунгли очкиллиги меҳмонларни бефарқ қолдирмастир.

Яқинда заводимиз ишчилари

Ленур ГАФФАРОВ,
Самарқанддаги «Сино» музлаткичлар ишлаб чиқариш заводи мутахассиси

ри ҳаётида қувончи воқеа содир бўлди. ГФР Федерал Президенти Роман Герцог хурмати Президентимиз Ислом Каримов раҳнаомлигида корхонамизга таширф буюрди. Бу ерда президентлар иштирокида Германиянинг «Форон» фирмаси билан заводимиз уртасида «Форсин» қўшма корхонаси тузилгани тўғрисидаги шартномага имзо чекилди. Бу ҳам

қўрида айтилган фикрларнинг тасдиғидир.

Купмиллатли инк жамоамиз қийинчиликларни омиқкорлик билан енгишга эришмоқда. Асл тадбиркорлар ердаида ишлаб чиқаришни кенгайтиришга эришдик. Маҳсулот сифати ва турларини купайтиришга ҳам эътибор купчайди. Яқинда барчага маъқул бўлаётган санаот холдлинкларини ишлаб чиқариш йўли қўйилди. Шубҳасиз «Форон» фирмаси билан ҳамкорлигимиз тараққиётнинг янги уфқларини очиб беради.

Кўш саҳифани тайёрловчи:
Мирғиёс ҚАЮМОВ

